

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 343.232 (575,1)

ИМАМОВ РУСТАМЖОН

**ЗЎРЛИК ИШЛАТМАСДАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ
ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ**

12.00.08 –Жиноят ҳуқуқи ва криминология;
жиноят-ижроия ҳуқуқи

юримдик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2011

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

юридик фанлар номзоди, доцент
Усмоналиев Мамажон

Расмий оппонентлар:

юридик фанлар доктори
Гулямов Зафар Хисамович

юридик фанлар номзоди
Тошпўлатов Акром Икромович

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси И.Мўминов номидаги
Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги фан доктори (номзоди) илмий даражасини олиш бўйича Д.016.15.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил 25 ноябрь куни соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35)

Автореферат 2011 йил “20 октябрда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш

илмий котиби

юридик фанлар доктори, профессор

Абдурасулова

Қумринисо Раимқуловна

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзусининг долзарблиги. Республикамизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, хусусан иқтисодийётни ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва модернизациялаштириш асосли ва чуқур ўйланган давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” эканлиги қафолатланганлиги мулкнинг дахлсиз ва ҳар қандай тажовуздан муҳофаза қилинишини билдиради.

Мулкни талон-тарож қилиш фуқароларнинг юқоридаги конституциявий ҳуқуқларига тажовуз этиш ҳисобланади. Мазкур жиноятлар оқибатида фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига моддий ва маънавий зарар етказилади.

Афсуски, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, хусусан ўзгалар мулкнинг талон-торож қилиниши ислохотларнинг самарадорлигига жиддий зарар етказди, бозор иқтисодиётига хос бўлган барча шаклдаги мулкнинг тенглигига путур етказди, мулккий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига тўсқинлик қилади. Ушбу қилмишларнинг олдини олиш учун “биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур”¹. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам ўзгалар мулкни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишнинг ишончли тизими яратилган, яъни мулкнинг дахлсиз ва муқаддас эканлигидан келиб чиқиб, мулкни талон-тарож қилганлик учун ЖКнинг Х бобида жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш, 2010 йилда умумий жиноятчиликнинг талай қисмини ташкил этди (30,4%). Талон-тарожларнинг каттагина қисми зўрлик ишлатмасдан содир этилган талон-торож қилиш, яъни талончилик (ЖК 166-м. 1-қ.) (7%); ўзлаштириш ёки растрата қилиш (ЖК 167-м.) (17%); фирибгарлик (ЖК 168-м.) (17%); ўғирлик (ЖК 169-м.) (43,9%) ҳиссасига тўғри келади. Ўрганилаётган жиноятлар ҳиссасиг умуман талон-торож жиноятларининг 96,5% тўғри келаётганлиги ҳам улар туфайли фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига жуда катта миқдорда зарар етказилаётганлигидан далолат беради.

Тадқиқ этилаётган жиноий қилмишларнинг олдини олишда жазо чораларининг ҳам ўрни бор, чунки жазонинг мақсадларидан бири маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш (ЖК 42-м.) ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам зўрлик ишлатмасдан содир этилган талон-торож учун жазо тайинлаш амалиётини, ушбу қилмишлар учун тайинланган жазонинг самарадорлиги ва уни оширишни ўрганиш зарурати мавжуддир.

Ўрганилаётган қилмишлар учун жазо тайинлаш амалиётининг таҳлили жиноят қонуни тегишли нормаларини қўллашда қатор муаммолар мавжудлиги ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигидан далолат беради. Хусусан, баъзи судьяларнинг етарли билим ва амалий тажрибага эга эмаслиги туфайли зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятларини бир-биридан фарқлаш, уларни аниқ ва тўғри квалификация қилиш, шунингдек мазкур жиноятлар туфайли етказилган зарар миқдорини аниқ ҳисоблашда камчиликлар мавжуддир.

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг аксарият қисмини талончилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик, ўғирлик ташкил этиб, улар оқибатида давлат ва фуқароларининг мулккий манфаатларига жиддий зарар етади.

Мазкур қилмишлар оқибатида 2010 йилда 2 триллион сўмдан ортиқ моддий зарар етказилган.

Ушбу жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиётида иқтисодий чораларнинг кенгрок қўлланилиши ва улар ижросининг таъминланиши жиноят туфайли рўй берган оқибатларнинг бартараф этилиши ва бузилган мулккий ҳуқуқларнинг тикланишига хизмат қилган бўлар эди. Шунингдек, тадқиқ этилаётган жиноятларни содир этганлар етказилган зарарни қоплаган бўлсалар, жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши масалаларининг ҳам ўрганилиши зарур ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят учун жазо тайинлаш масаласи ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар томонидан кўп ўрганилган. Аммо, бу тадқиқотлар

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 48.

кўпроқ жиноятлар учун жазо тайинлашнинг умумий асослари ва жазонинг самарадорлиги даражасини тадқиқ қилишга бағишланган.

Ўзбекистонда қатор тадқиқотчилар томонидан муайян жиноятлар учун жазо тайинлашнинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган. Қ.Р.Абдурасулова, Ш.Ё.Абдуқодиров, Б.Ж.Ахроров, П.Б.Бакунов, М.Х.Жиянов, С.З.Зарипов, О.Ғ.Зокирова, Й.М.Каракетов, У.Мирзаев, М.З.Муқумова, С.Ш.Ниязова, Қ.П.Пайзуллаев, Ю.С.Пулатов, М.Х.Рустамбоев, Ф.Т.Тохиров, М.Усмоналиев, И.М.Собиров, М.А.Ражабова, Р.Қ.Қобулов, Ш.У.Умидуллаев, М.А.Утанов, У.Холикулов ва бошқалар айрим жиноятлар учун жазо тайинлаш масалаларини ўрганганлар. Аммо, ҳозирги кунда содир этилаётган жиноятларнинг анчагина қисмини ташкил этаётган мулкни зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш учун жазо тайинлаш муаммолари тадқиқ қилинмаган. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизими либераллаштирилаётган бир шароитда ушбу мавзунини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

С.С.Алексеев, И.Анденес, С.В.Бородин, В.К.Дюнов, В.И.Зубков, И.И.Карпец, В.В.Квашис, Г.А.Кригер, В.Н.Кудрявцев, И.И.Лисов, Ю.И.Ляпунов, А.И.Ророг, М.Д.Шаргородский, Л.Сыдыкова, А.Л.Цветинович, М.В.Юшкина ва бошқа қатор хорижий олимлар¹ жиноий жазо ва уни тайинлаш масалаларининг турли жиҳатларини тадқиқ қилганлар. Аммо, юқоридаги олимларнинг тадқиқотларида зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш муаммолари алоҳида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти илмий-тадқиқот ишлари тематик режасига киради ва Институт илмий кенгашининг 2006 йил 4 майдаги мажлисининг 10-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади. Мазкур тадқиқотнинг назарий мақсади зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашнинг назарий масалаларини ўрганиш ва жазо тайинлаш механизмнинг давлатнинг жиноят-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатига ва либераллаштириш талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат бўлса, амалий мақсади ўзгалар мулкни талон-торож қилганлик учун судлар томонидан жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш ҳамда тадқиқ этилаётган мавзу бўйича амалдаги Жиноят кодекси нормаларининг давр талабига жавоб бера олишини ўрганиш асосида, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

- зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилиш жиноятлари тушунчаси ва турларини таҳлил қилиш;
- ўрганилаётган жиноятлар учун назарда тутилган жазоларни либераллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;
- зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилишнинг оддий, мураккаб ва жазони оғирлаштирувчи турлари учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилишга оид тавсиялар бериш;
- зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг таъсирини сусайтириш ва бартараф этиш бўйича таклифлар бериш;
- зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилишнинг олдини олиш, ушбу чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш белгилаб олинди.

Тадқиқот объекти зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-торож қилиш учун жазо тайинлаш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

¹ Ушбу олимлар асарларининг рўйхати диссертацияда берилган.

Тадқиқот предметини талончиликнинг оддий тури, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик ва ўғрилик учун судлар томонидан жазо тайинлашда учрайдиган муаммолар ва улар билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Билишнинг диалектик усулига таяниб, суд-ҳуқуқ тизими либераллаштирилаётган жараёнда зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш учун жазо тайинлашга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотларнинг таъсири ва аҳамияти таҳлил этилган.

Тадқиқот олиб боришда умумилмий: мантиқий-тизимли, тарихий-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий усулларида, шунингдек математик усуллардан фойдаланилди.

Ишда эмпирик материалларни тавсифлаш, уларни таснифлаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот гипотезаси зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларини комплекс тадқиқ қилиш орқали жиноят ҳуқуқининг мазкур соҳасининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш ва Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятларига қуйидаги муаллифлик таърифи берилди: зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилиш қасддан, фаол ҳаракатлар билан амалга ошириладиган, зўрлик ишлатмасдан ўзганинг мулкани ғайриқонуний равишда, ўрнини қопламасдан ажратиб олиб, мулкдорга зарар етказган ҳолда айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар мулкига айлантиришдан иборат бўлган жиноятлар йиғиндисидир;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда беришни таклиф қилинмоқда: “Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш, шунингдек, бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланади”;

- Жиноят кодекси 54-моддаси биринчи қисмига “Содир этилган жиноят учун енгилроқ жазо тайинлаш орқали жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди деган хулосага келинган тақдирда оғирроқ турдаги жазо тайинланади”, деган қўшимча киритилиши зарурдир;

- Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан одиллик, инсонпарварлик принципага мувофиқ талончиликнинг оддий тури (ЖК 166-моддаси 1-қисми) санкциясидаги беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишни уч йилгача, деб ўзгартиш таклиф қилинмоқда;

- ярашув институтини қўллаш бўйича суд-тергов амалиётни таҳлил қилиш асосида қопланган зарарнинг миқдоридан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг муайян миқдоридagi маблағни суд харажатларини қоплаш учун жиноят содир этган шахс томонидан давлат даромадига тўлаш мажбуриятининг юкланиши тўғрисида қарор чиқариши лозимлиги асослаб берилган;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 33- ва 59-моддаларининг маълум даражада бир-бирига мувофиқ келмаслиги ва 59-моддадаги камчиликни бартараф қилиш мақсадида 59-модданинг биринчи қисми “Шахс Махсус қисмининг турли моддаларида” деган сўзлардан кейин “битта моддасининг турли қисмларида”, - деган сўзлар билан тўлдирилиши зарур;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-, 168-, 169-моддаларида уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, шунингдек, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш ҳамда Жиноят кодекси 169-моддасининг янги таҳрири таклиф қилинмоқда;

- 641 та ҳукми ўрганиш асосида, уларнинг айримларида жиноят содир этишда айбланаётган шахслар асосиз равишда жавобгарлик ёки жазодан озод қилинганлиги,

баъзан жиноят қонунининг одиллик, қонунийлик, одиллик, айб учун жавобгарлик ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлик принципларига риоя этилмаганлиги аҳоли ўртасидаги суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишончининг пасайишига сабаб бўлаётганлиги асослаб берилган;

- озодликдан маҳрум қилишнинг жазосини ўташ муассасаси тури бўлган манзил-колониясини “озодликни чеклаш” номи билан, озодликдан маҳрум қилишдан ажратиб алоҳида жазо турини ижро этиш колонияси сифатида бериш таклиф қилинмоқда;

- бир неча жиноятлар содир қилишнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси “Жиноятлар мажмуи” деб номланувчи 33-моддаси номини “Жиноятлар жами” – деб ўзгартириш таклиф этилган.

Ишнинг илмий янгилиги жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашнинг назарий ва амалий масалалари комплекс равишда ўрганилиб, бу турдаги жиноятлар ва уларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган. Бу борада судлар томонидан йўл қўйилган хатолар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

Тадқиқотда олинган материалларни статистик ва қиёсий таҳлил қилиш усуллари орқали талончиликнинг оддий тури, ўзлаштириш ва растрата қилиш, фирибгарлик ва ўғрилик жиноятлари учун жазо тайинлаш масалалари ўрганилиб, бу борадаги муаммолар илмий таҳлил қилинди ва уларни бартараф қилиш юзасидан тегишли илмий асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жиноят кодекси 166-моддаси 1-қисми, 167-, 168-, 169-моддалари санкциялар асосида жазо тайинлашнинг ўзигина эмас, балки жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланган нормалар ҳам таҳлил қилиниб, уларни такомиллаштиришга оид тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, жиноят қонунининг зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган қатор моддаларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, юридик олий ўқув юртлиги ва бошқа юридик таълим тизимида дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлашда, ҳамда ушбу соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб боришда, монографик асарлар ёзишда фойдаланилиши мумкин.

Амалий аҳамияти эса, жиноят ҳуқуқи фанидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда, таҳлил этилаётган жиноятлар учун судлар томонидан жазо тайинлашда хатога йўл қўйилишини бартараф қилишда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг таҳлил этилаётган мавзуга оид нормаларини тўғри қўлланилишига, янада такомиллаштиришда хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумнинг жазо тайинлаш бўйича қарорларини ишлаб чиқишда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертантнинг Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси фаолиятида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми фаолиятида фойдаланиш учун тақдим этилган.

Диссертациядаги асосий қоидалардан Андижон давлат университетининг “Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари” йўналиши бўйича талабаларга жиноят ҳуқуқ фанини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси мажлисида (2010 йил 17 декабрдаги 9-сонли баённома), Наманган давлат университети Ҳуқуқшунослик факультети илмий семинарида (2010 йил 19 январдаги 14-сонли баённомаси), ТДЮИ қошидаги Д.016.15.01 рақамли ихтисослашган

кенгаш ҳузуридаги Илмий-назарий кенгашда (2011 йилд 22 апрелдаги 3-сонли баённома) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга қўйилаётган қоидалар ва илмий хулосалар ҳақида муаллиф томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг турли масалаларига оид илмий-амалий семинарлар ва конференцияларда маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзусига оид муаллифнинг 1 та монографияси, 2 та ўқув ва ўқув-услугий қўлланмаси, 1 та рисола ва 15 та илмий мақоласи chop этилган, 4 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига киритилган журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, етти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация иши асосий мазмунининг матни 145 бетни ташкил этади. Тадқиқот ишида 152 та адабиёт ва манбалардан фойдаланилган ва иловалар 20 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад, вазифалари асосланади, тадқиқотнинг услубий асослари, тадқиқот ишининг янгилиги, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар баён этилади, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, синовдан ўтиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш учун жазо тайинлаш масалалари”** деб номланади. Мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилиш жиноятлари тушунчаси ва турлари”*га бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-м. 1-қисми, 167-, 168-, 169-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг тушунчаси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Мулкни талон-торож қилиш жиноятлари: зўрлик ишлатиб ва зўрлик ишлатмасдан содир этилади. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торожга босқинчилик (ЖК 164-м.), товламачилик (ЖК 165-м.), талончилик (ЖК 166-м 2-, 3-, 4-қ.) киради. Ўзгалар мулкни талончилик йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 166-м 1-қ.), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-м.), фирибгарлик (ЖК 168-м.) ва ўғирлик (ЖК 169-м.) зўрлик ишлатмасдан содир этилади. Расмий статистика маълумотларига кўра 2001 йилда ўзганинг мулкни талон-торож қилиш умумий умумий жиноятчиликнинг 42,3%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 30,4%га тенг бўлган. Талон-торожларнинг миқдори камайган бўлсада, 2010 йилда талон-торож жиноятлари ичида товламачилик (7%), ўзлаштириш ёки растрата қилиш (17%), фирибгарлик (28,6%), ўғирлик (43,9%) энг кўп содир этилмоқда. Тадқиқ этилаётган жиноятлар ҳиссасига умуман талон-торож қилишнинг 96,5% тўғри келаётганлиги ҳам улар туфайли фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилаётганлигидан далолат беради.

Ўзганинг мулкни зўрлик ишлатмай талон-торож қилиш бошқа талон-торож қилиш жиноятларидан уларнинг зўрлик ишлатмай содир этиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади, бу эса жиноят содир этилишини нисбатан осонлаштиради.

Муаллиф жиноят қонуни нормалари ҳамда юридик адабиётларни ўрганиш асосида, уларда ўзгалар мулкни зўрлик ишлатмай талон-торож қилиш тушунчаси тўлиқ очиб берилмаган, деган хулосага келган. Унинг фикрича, бу турдаги жиноятларнинг зўрлик ишлатмасдан содир этилиши ҳисобга олиниши лозим. Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш деганда, тўғри қасддан содир этилиб, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли жисмоний таъсир кўрсатмай ёки жабрланувчини ҳаёти ва соғлиғига хавфли жисмоний таъсир кўрсатиш билан қўрқитмай ўзганинг мулкни талон-торож қилиш тушунилади. Демак, зўрлик ишлатмасдан деганда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига

нисбатан фаол жисмоний таъсир кўрсатмаслик кўзда тутилади. Содир этилган қилмишда юқоридаги аломатнинг мавжудлиги жиноятнинг объектив ва субъектив томонларини аниқлашда ва айбдорга жазо тайинлашда катта аҳамиятга эгадир.

Жиноят қонунида жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланганлиги, аввало Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг принципларига (ЖКнинг 3-10 моддалари) асосланиб жазо тайинлаш имконини беради, судларни субъектив жазо тайинлашдан холи қилади.

Айрим ривожланган давлатлар (масалан, Англия, ГФР ва бошқа)нинг жиноят қонунларида жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланмаганлигига ва Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг ўзида бундай асосларнинг белгиланганлиги мамлакатимиз жиноят қонунининг инсонпарварлик, демократик принципларини намуна бўла оладиган даражада эканлигини кўрсатади.

Жазо тайинлашнинг умумий асосларини қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисида берилган тушунтиришда қонун матнининг ўзи қайтарилган бўлиб, жазо тайинлашнинг назарий асослари тушунтирилмаганлиги боис диссертант ушбу Пленум қарорининг 2-бандини: “Судлар жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54-моддаси талабларига тўла риоя қилган ҳолда жазо тайинлашлари керак. Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодекси 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, жиноят учун албатта жазо тайинланиши шартлигини билдирмайди. Судлар муайян жиноят учун жазо тайинлашда аввало жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш асослари бор ёки йўқлигини текшириб кўришлари керак. Бунга асослар бўлмаган тақдирда ишдаги ҳолатларга қараб, жазо тури, миқдори ва муддатини белгилайдилар. Бунда қилмиш квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазолардан енгилроғини тайинлаш мумкин эмас, деган хулосага келганларида оғирроқ турдаги жазоларни тайинлайдилар”, деб берилиши лозимлигини асослайди.

Муаллиф ушбу параграфда жазонинг мақсадига оид қатор олимларнинг фикрларини ўрганиб, ЖК 42-моддаси 2-қисмидаги жазонинг мақсадини “Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”, кўринишида ўзгартирилишини таклиф этади.

Айрим хорижий давлатларнинг жиноят қонунларида берилган жазо мақсадининг таҳлили уларда жазонинг мақсади сифатида кўрқитиш, айб учун жазонинг муқаррарлиги каби масалаларга эътибор қаратилганлигини кўрсатади. Диссертант, баъзи хорижлик ҳуқуқшунос олимларнинг жазонинг асосий мақсади жиноят учун жазолаш, адолатни қарор топтириш, кўрқитиш, жиноятчини тузатиш ва жиноятдан ҳимоя қилишдан иборат, деган фикрига қўшилмайди. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида белгиланган жазонинг мақсади эса жамият манфаатларини энг адолатли тарзда ҳимоя қилиши билан бир қаторда жиноят содир қилган шахснинг манфаатини ҳам ҳимоя қилишини асослаб беради.

Тадқиқотчи жазо тайинлашда Жиноят кодекси Умумий қисмининг барча қоидаларига аввало, жиноий жавобгарликнинг барча принциплари (қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик принциплари)га риоя қилиниши кераклигини, бундай ҳолатда янги қонун қабул қилиниши муносабати билан маҳкумнинг аҳволи енгиллашадиган бўлса, қонуннинг орқага қайтиш кучидан фойдаланиш; тайинланаётган жазо фақат қонун нормаси санкцияси доирасида бўлиши кераклигини таъкидлаб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазонинг энг

кам қисмидан ҳам қамроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазо ҳам тайинланиши мумкинлигини асослаб берган.

Жазо тайинлаш умумий асосларининг жиноят қонунининг ўзида берилганлиги, жиноят содир этишда айбланаётган шахсга жазо тайинлашда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазони индивидуаллаштириш имконини беради.

Жазони индивидуаллаштиришнинг зарурлиги Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг моҳиятидан келиб чиқади ва у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари ва Жиноят кодекси принципларига мувофиқ келади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи *“Зўрлик ишлатмасдан талон-тороғ қилиш жиноятлари учун назарда тутилган жазоларни либераллаштириш муаммолари”*га бағишланган. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида “энг аввало жазонинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайиши ва амалда қўлланишини таъминлаш”,¹ - лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Репрессив хусусиятга эга бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни қисқартиришнинг бирон бир аҳамияти борми? деган саволга диссертант зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тороғ қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашни либераллаштиришнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий аҳамияти борлигини кўрсатиб бериб, масаланинг сиёсий аҳамияти энг оғир жазо ҳисобланган озодликдан маҳрум қилишни тайинлашнинг жиддий қисқартирилиши, мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлатни шакллантириш, кучли давлатдан аста-секин кучли фуқаровий жамиятга ўтилаётганлигининг исботи ҳисобланади, деган фикрни илгари сурган.

Иқтисодий аҳамияти агар жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланса, маҳкумни бундай муассасаларда сақлаш учун давлат бюджетидан (маҳкумларни кийим бош, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қисқаси уларнинг яшаши учун муайян шароитларни яратиб бериш учун, ҳамда уларни назоратини ташкил қилиш учун) сарфланишида намоён бўлади.

Озодликдан маҳрум қилиш ва қамоқдан бошқа жазоларга ҳукм қилинганлар (масалан, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинганлар) маълум миқдорда давлат бюджетига даромад келтиради, уларнинг жазони ўташи учун давлат бюджетидан маблағ сарф қилинмайди. Айбдор шахс озодлигини чеклашнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс жиноят содир қилишдан олдин қаерда ва қандай ишда ишлаётган бўлса, ўша ишини давом эттираверади. Демак, шахс катта меҳнат ва маблағ ҳисобига эришган касби, ҳунари ва билимидан маҳрум бўлмайди.

Маънавий аҳамияти шундаки, маҳкумнинг жамиятдан изоляция қилинмаганлиги сабабли уни қайта тарбиялаш учун махсус тарбиявий чоралар қўлланилмайди. Ва, ниҳоят энг муҳими оиласидан ажратилмаганлиги туфайли, оиладаги мажбуриятларини тўла бажараверади. Маҳкумни ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олишига у ишлаётган меҳнат жамоаси ва оила аъзолари катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан Жиноят кодексига яраштирилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг киритилиши (ЖКнинг 66¹-моддаси) муносабати билан, жиноят қонуни ва жазо тайинлаш соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Жиноят кодексида ... 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган. ... Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин

¹Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.33

фукаро жинойй жавобгарликдан озод этилди”¹. Бу рақамлар, Жиноят кодекси инсонпарварлик принципининг амалий натижасидир.

Ўзбекистон Республикасида суд-хуқуқ тизимини либераллаштирилиши муносабати билан енгиллаштирувчи ҳолатларнинг аҳамияти янада ортиди. Чунки жиноят содир қилишда айбланаётган шахсни жинойй жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш учун қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлишининг ўзи етарли бўлмай, шахсни жавобгарлик ёки жазодан озод қилишни қўллаш учун жиддий енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шу билан бир қаторда, ярашув институтини қўллашда, жиноятдан жабр кўрган жабрланувчининг манфаатлари ҳам эсдан чиқарилмаслиги лозим. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, Ўзбекистон жиноят қонунининг такомиллашуви айниқса, мансабдорлик ва ҳўжалик жиноятларига қарши курашга оид қонунларнинг такомиллаштирилиши, ўхшаш қилмишларни квалификация қилишда муайян муаммоларни келтириб чиқаради.

Суд-хуқуқ ислохотлари натижасида ўрганилаётган Жиноят кодекси нормаларига бир қанча ўзгаришлар киритилди. Қонундаги бундай ўзгаришлар туфайли мазкур жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тайинланиши бир мунча қисқарди.

Тадқиқот ишининг 2-боби **“Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилишнинг муайян турлари учун жазо тайинлаш муаммолари”** деб номланади. Мазкур бобнинг 1-параграфида *“Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилишнинг оддий турлари учун жазо тайинлаш”* таҳлил қилинган. Унда зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилишнинг оддий турлари (ЖК 166-м. 1-қ, 167-, 168-, 169-моддалари) бир-бирига ўхшаш бўлсада, уларнинг жиноят содир қилишнинг усули (объектив томони), талон-торож қилинган мулкнинг миқдори, жиноят субъектининг ёши ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, бир-биридан фарқлари кўрсатилган ва бу фарқларнинг жазо тайинлашга таъсири, ушбу қилмишлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хосликлари ва муаммолари тадқиқ қилинди.

Муаллиф юридик адабиётлардаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир қилиниши енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкинлиги, жазони ўтаб бўлганлиги муносабати билан шахс озод этилган пайтдан бошлаб судланганлик ҳолатининг тугалланиши қонуний бўлиб, ЖКнинг тегишли моддасида белгиланган муддат тугаши билан ўз таъсирини йўқотди”, деган нуқтаи назарларни ўрганиб, илгари қасддан жиноят содир қилган шахснинг судланганидан кейин яна янги қасддан жиноят содир этиши, шахс хулқ-атворининг бузилганлиги янада чуқурлашиб кетганлигини кўрсатади. Шунинг учун судланганлик институти, жиноят ҳуқуқида ғоят муҳим институт ҳисобланади ва жазо ўтаб бўлиниши билан шахснинг судланмаган, деб ҳисобланиши тўғри бўлмайди, деган хулосага келган. Диссертант жазо ўтаб бўлиниши билан судланганлик тугалланадиган бўлса, тузалиш йўлига ўтмаган шахсларни жазони ўтаб бўлганидан кейин назорат қилиш, яъни улар устидан маъмурий назорат ўрнатишнинг иложи бўлмайди, жазодан озод бўлганидан кейин янги жиноят содир қилса, биринчи марта жиноят содир қилинган деб, ҳисоблашга тўғри келади ва бу Жиноят қонунига мутлақо зиддир, деб ўз нуқтаи назарини асослайди.

Жиноятнинг биринчи марта содир этилганлигини суд енгиллаштирувчи ҳолат, деб ҳисоблашда фақат биринчи марта содир қилинганлик фактининг ўзини эмас, балки ишдаги бошқа ҳолатлар ҳам таҳлил қилиниб, сўнг енгиллаштирувчи ҳолат, деб ҳисобга олиниши мумкин.

Таҳлил этилаётган жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш мазкур қилмишларнинг оддий тури учун озодликдан маҳрум қилишни кам тайинлайдилар, чунки, ЖК 166, 169-моддалари биринчи қисмида талончилик ва ўғрилик учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 23.

Судьяларга жиноят учун жазо тайинлашда жазо турини танлаш ва ўз нуқтаи-назарини чуқур ва ҳар томонлама асослаб бериш мажбурияти юклатилган. Лекин, муаллифнинг фикрича, айрим судьялар томонидан ҳар доим ҳам бундай мажбурият тўғри ва тўла бажарилмоқда, деб бўлмайди.

Суд томонидан жиноят учун жазо тайинланар экан, маҳкум ўзига нисбатан тайинланган мазкур жазо қилмишининг оқибати эканлигини англаши керак. Айрим ҳолларда асоссиз равишда енгил жазо тайинлаш айбдорда ўз қилмиши учун етарли даражада жазоланмай қолганлик ҳиссини пайдо қилса, унинг атрофидагиларда эса одил судловдан норозилик ҳиссини келтириб чиқаради.

Ярашилганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш худди фуқаровий даъвони жиноят қонуни нормалари билан хал қилишга айланиб қолмоқда. Тадқиқотчи ЖК 66¹-моддасига кўра жавобгарликдан озод қилинган шахсларга нисбатан жазо ёки бошқача мажбурлов чораларини қўллаш керак, деган фикрдан қочиб, суд ярашув институтини қўллар экан, қопланган зарарнинг миқдоридан келиб чиқиб, суд харажатлари учун қопланган зарарнинг муайян баробари (масалан, энг кам ойлик иш ҳақининг муайян миқдorigа тенг) миқдorigаги пул маблағни тўлашни ҳам белгиланиши керак. Ушбу миқдордаги маблағ қопланган зарар миқдоридан олинмай ундан ташқарида бўлиши ва бундай мажбуриятнинг айбдор зиммасига юклатилиши мақсадга мувофиқ бўлишини, йиғилган пулларни, суд идораларининг моддий аҳволини яхшилаш, судьяларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфда *“Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилишнинг мураккаб турлари учун жазо тайинлаш”*нинг назарий ва амалий муаммолари ўрганилди.

Жиноят кодекси 33-моддаси биринчи қисмида жиноятлар жами тушунчаси ва 59-моддасида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш тартиби берилган. Юқоридаги ҳар икки модданинг қиёсий таҳлили ЖК 59-моддаси биринчи қисмида айрим камчилиги борлигидан далолат беради.

Жумладан, Жиноят кодекси 33-моддасида “Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг тури қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади”, - дейилади. Жиноят кодекси 59-моддасида эса “Шахс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, ... дейилган ва битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар турли вақтларда содир этилса, қандай жазо тайинлаш кераклиги очиқ қолган. Натижада айрим судлар бундай ҳолда жиноят такроран содир этилган деб, айримлари эса шу жиноятларнинг қайси бири оғирроқ бўлса, ўша билан жазо тайинлаганлар. Унинг оқибатида Жиноят кодекси 32- (такроран жиноят содир этиш), 33- (жиноятлар мажмуи), 54-(жазо тайинлашнинг умумий асослари), 59- (бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш), 61- (жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари) моддаларнинг талаблари бузилмоқда.

Қонунда назарда тутилган қоидаларни бузиб, жазо тайинлаш аввало, шахсда жиддий норозилик кайфиятини туғдиради, Жиноят кодекси 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига эришишга тўсқинлик қилади.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашда судлар ишдаги оғирлаштирувчи ҳолатларга унча аҳамият бермай қўйганлар (Ўрганилган жиноят ишларини 30% яқинида шундай ҳолат аниқланди).

Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисми бўйича жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш асосида ушбу модданинг 1- ва 2-қисми тегишли бандларига кўра, жазо тайинлашда деярли фарқ мавжуд эмаслиги аниқланган. Агар ушбу модданинг 2-қисми бўйича тайинланган 4,4 фоиз озодликдан маҳрум қилиш, 1-қисми бўйича 66¹-моддани қўллаб, жавобгарликдан озод қилиш ҳисобга олинмаса, қолган барча ҳолларда тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг қонунда белгиланган муддати ва давлат фойдасига ўтказиладиган

фоизларида деярли фарқ йўқ. Жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларнинг кўпчилигига (64%) амнистия акти ёки ярашувни ёхуд шартли ҳукм қилиш (72-модда) қўлланилиб, жавобгарлик ёки жазодан озод қилинган. Бундай ҳолат жиноятчиликнинг умумий олдини олишга салбий таъсир қилиши мумкинми? деган ҳақли савол туғилади. Албатта, ушбу ҳол аҳоли ўртасида, “жиноят учун жазоланмай, қисқа вақтда озод бўлиб кетасан” деган фикрнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Диссертант ЖК 167-моддаси санкциясини ўзгартиш керак, демоқчи эмас. ЖК Махсус қисми тегишли моддаларининг санкциялари одиллик принципга мувофиқ тузилган. Аммо, судлар жазо тайинлашда ишнинг барча ҳолатларини тўғри ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашлари керак. Қисқа қилиб айтганда, жазо тайинлашда либераллаштиришни суиистеъмол қилмаслик, либераллаштиришни жазони енгиллаштириш ёки жазодан озод қилиш деб, тушунилмаслик кераклигини асослантирган.

Ўғрилиқнинг таҳлили киссавурлик асосан гуруҳ бўлиб содир қилинишини, киссавурликнинг олдини олишда жазонинг кучайтирилиши кўзланган натижага олиб келмаётганлигини кўрсатди. Бундан ташқари киссавурлик кўпроқ бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилаётганлиги туфайли ЖК 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан квалификация қилинади.

Диссертант киссавурликнинг олдини олишда оғирроқ жазо тайинлаш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган махсус ва индивидуал чораларини кўриш керак ва қонунда киссавурликнинг уй-жойга кириб ўғрилиқ содир қилиш билан тенглаштирилганлигини тўғри эмас, деб ҳисоблайди.

Муаллиф ўғрилиқ учун судларнинг жазо тайинлаш амалиёти ва қонун нормаларининг қўлланишига оид материалларни ўрганиш асосида ЖК 169-моддаси янги таҳрирда қабул қилиш керак, деган хулосага келган ва унинг янги таҳририни ишлаб чиққан.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари учун жазо тайинлаш*” масалаларига бағишланган бўлиб, Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисми, 168-моддаси 3-қисми ва 169-моддаси 3-ва 4-қисмларида назарда тутилган қилмишларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари ва уларни содир этганларга нисбатан жазо тайинлаш амалиёти ўрганилган.

Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятлар оғир жиноятлар тоифасига киритилган бўлишига қарамай, мазкур модданинг 3-қисми санкциясида озодликдан маҳрум қилиш ва унга муқобил бўлган жарима ва аҳлоқ тузатиш ишларининг назарда тутилганлиги, мазкур жиноятни содир қилган шахсларга озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазони тайинлаш имкониятини вужудга келтирди. Бу билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ билан боғлиқ бўлган жуда кўп миқдордаги давлат маблағлари иқтисод қилинади, жазонинг ижросини таъминлаш учун кўплаб мутахассисларни бу ишга жалб қилиш зарурати қолмайди ва энг муҳими, мазкур жиноятда айбланган кўп инсонлар озодликдан маҳрум қилишнинг салбий таъсиридан қутулиб қолди.

Республика судларининг ўғрилиқ учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиб, тадқиқотчи ушбу қилмиш учун 62% айбдорларга нисбатан ЖК 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жазо тайинланганлигини аниқлаган.

Муаллиф такроран ёки хавфли рецидивист томонидан жиноят (ўғирлик) содир этганлик учун ЖК 169-моддаси 3-қисми “а” бандида жавобгарликнинг назарда тутилганлигини тўғри эмас, деб ҳисоблайди. Чунки такроран жиноят содир этишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси илгари судланган ва суд томонидан хавфли рецидивист, деб топилган шахс содир этган қилмишга нисбатан пастдир. Шундай экан юқоридаги икки ҳолат учун бир хил жазонинг назарда тутилиши инсонпарварлик, одиллик принципларига зид ҳисобланади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” бандидан “такроран” сўзини чиқариб, шу модданинг 2-қисмига алоҳида банд сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ, деган нуқтаи назар асосланган.

Ишнинг учинчи боби, **“Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилишнинг олдини олиш муаммолари”** деб номланади. Унинг биринчи параграфида *“Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилган жиноятчи шахснинг криминалогик тавсифи ва сабаблари”* ўрганилган.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш иқтисодиётнинг умумий қоидаларига мувофиқ равишда иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳалардаги зиддиятларни ҳал этилиши билан боғлиқдир.

Муаллиф Республикамиз судларида кўрилган 641 та ҳукми ўрганиш асосида, жазо тайинланаётганда ҳамма вақт ҳам ЖК 42-моддаси талабларига тўлиқ риоя этилмаган, деган хулосага келган.

Ўрганилган жиноят ишларининг 15,8% ўзлаштириш ёки растрата қилиш, 28,7% фирибгарлик, 28,3% ўғирлик ҳиссасига тўғри келган, ўғирлик содир этганларнинг 28,2% илгари судланган бўлган.

Мамлакатимизда 2010 йилда барча жиноят ишлари бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазоси 20% бўлган бўлса, тадқиқ этилаётган жиноят ишларининг 33%га озодликдан маҳрум қилиш тайинланган. Оғир жазо тури бўлган озодликдан маҳрум қилишнинг зўрлик ишлатмасдан мулкни талон-торож қилишига нисбатан кўпроқ тайинланишига қарамасдан, у кутилган натижани бермаётганлиги таъкидланади. Диссертацияда тадқиқ этилаётган жиноятларнинг сабаблари: 1) ташкилий хўжалик фаолиятидаги камчиликлар; 2) фуқароларнинг ижтимоий-руҳий ҳолати каби гуруҳларга бўлиб ўрганилган.

Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятларини содир бўлишида раҳбар томонидан ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини назорат қилишдаги камчиликлар ҳам ашё ва материалларни ишлатиш меъёрларини ҳисобга олишдаги камчиликлар туфайли мулкни талон-торож қилинишига шароит яратилади. Турли йўллар билан ҳисобга кирмайдиган мулк заҳирасининг яратилиши ҳам мулкни талон-торож қилинишга сабаб бўлиши мумкин.

Мулкни қайта тақсимлаш жараёнида йўл қўйиладиган камчиликлар ҳамда мулкни хусусийлаштириш жараёнида кўплаб корхоналарнинг тугатилиши минглаб ишсизларнинг пайдо бўлиши, ўқишни тугатганлар, армия сафидан бўшатирилганлар, корхоналарнинг тугатилиши туфайли кўплаб юқори малакали мутахассисларнинг ишсиз бўлиб қолиши, жиноий жазодан озод бўлиб келаётганларнинг иш билан таъминлашнинг иложи бўлмаётганлиги ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг энг асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўғирлик жинояти учун жиноий жазога ҳукм қилинганларнинг 60,5 фоизи жиноят содир қилиш пайтида ҳеч қаерда ишламаганлиги айтилган фикримизни тасдиқламоқда. Ўғирлик жиноятини содир қилиш пайтида ишлаётганларнинг миқдори бор-йўғи 39,5 фоизни ташкил қилган бўлсада, улар ҳам оилали, кўп болали ва кам таъминланган оила аъзолари бўлган.

Фирибгарлик жинояти учун жазога ҳукм қилинганларнинг фақат 15,2 фоизидагина оиласи ва фарзандлари бўлмаган. Қолган 84,8 фоизининг оиласи ва фарзандлари бўлиб, уларнинг 40 фоизида ортиғида учтадан, бештадан ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган. Анча ёшга кириб қолган, оилали шахсларнинг жиноят йўлига кириб қолиши ташвишли ҳол бўлиб, бу ўз навбатида ислохотларни амалга оширишни янада жадаллаштириш ва жамиятнинг иқтисодий масалаларини ҳал қилишда жиддий ҳаракатлар қилишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятчиликни 2,8 фоизини ташкил қилгани ҳолда, ўғирлик жинояти учун

судланганларнинг 6,2 фоизини ташкил қилаётганлиги ва 25 ёшгача бўлган шахслар ўғриларнинг ярмидан кўпини ташкил этаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг ижтимоий-руҳий сабаблари эса, тарбиявий ишлардаги камчиликлар, ҳар бир фуқародан ва мансабдор шахслардан қонун талабларини тўғри бажарилишини талаб қилишдаги камчиликлар, судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлашда ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олмасдан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, асоссиз равишда жавобгарлик ва жазодан озод қилишлар маълум даражада кишиларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилмай қолмайди.

Жиддий зиддиятларнинг юз беришига йўл қўйилмаётганлик туфайли рўйхатга олинаётган жиноятлар ҳисобидан олинганда жиноятчиликнинг муттасил ўсиб боришининг олди олинди ва барқарор ҳолатга тушиб қолди. Аёллар ва вояга етмаганлар ўртасида зўрлик ишлатмай содир этилган талон-торожлар ва уларга жазо тайинлаш масалаларини ўрганиш аёллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг динамикаси баъзи йилларда ўсган бўлсада, аммо умумий ҳолда кўрсаткичлар барқарор ҳолда қолганлигини кўрсатади.. Демак, Ўзбекистонда ислохотларнинг жадал ривожлантирилиши туфайли жиноятлар ўсишининг тўхтатилишига, айрим турдаги жиноятларни содир этилишини камайитирилишига эришилган.

Ушбу бобнинг 2 параграфи *“Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилишнинг олдини олиш чора-тадбирлари (профилактикаси)”* бағишланган. Жиноятчиликка қарши кураш амалиёти аниқ, самарали ёки ҳаётдан ажралиб қолган, инсонпарвар ёки репрессив, перспектив ёки муваффақият қозонишга ҳеч қандай умид қолдирмайдиган бўлиши мумкин. Жиноят учун ҳар қандай жиноий жазо адолатли инсонпарварлик принципларига асосланган бўлиши керак. Ҳозирги даврда инсонпарварликнинг асосларида инсон кадриятларининг ётиши умумэтироф этган асосий қоидадир.

Жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи бир томондан жамият манфаатлари ва жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат бўлса, иккинчи томондан жиноят содир қилишда айбланаётган шахсни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашни ҳам назарда тутди.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишдаги умумижтимоий чоралар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- иқтисодиётда самарали бошқарув тизимини яратиш ва такомиллаштириб бориш;
- саноат ва ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий технология жараёнларини жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш жараёнида комплекс механизациялаштирилган корхоналарни яратиш;
- ишлаб чиқаришни ялпи техник жиҳозлашни йўлга қўйиш.

Албатта, бу каби умумижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш, айтиб ўтилганидек, махсус профилактика чораларининг янада аниқ йўналишларда ва жадал олиб борилишини талаб этади.

Шунга кўра, давлат амалга оширадиган махсус чора-тадбирларни қуйидаги бешта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- а) иқтисодий;
- б) ташкилий;
- в) техник;
- г) ҳуқуқий;
- д) тарбиявий чора-тадбирлар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу чора-тадбирларнинг ҳар бири мустақил бўлган ҳолда, уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун комплекс ҳолда ташкил этилиши даркор.

Маълумки, жиноятлар муайян вақтда ва ҳудудда содир этилади. Жумладан, талончилик жиноятлари кўпроқ одамлар камроқ бўладиган жойларда, сутканинг қоронғу вақтида, қисқа қилиб айтганда, шундай жиноятни содир қилиш учун қулай вазият мавжуд бўлганида содир қилинган. Ўзлаштириш ёки растрата жиноятлари эса, корхона, муассаса,

ташкilotларда, қисқа қилиб айтганда мулк айланадиган жойларда содир этилади. Фирибгарлик жиноятлари кўпроқ хонадонлар, бозор ва бошқа ҳар қилмишини содир этиш учун имконият бўлган жойларда содир этилса, ўғрилик хонадонларда, савдо-сотиқ олиб бориладиган жойларда яширин равишда содир этилади. Демак, мазкур жиноятларни олдини олиш учун, аввало, улар содир қилинган жой ва вақтини ҳисобга олиб, олдини олиш чоралари ишлаб чиқилиши керак. Бу чоралар маҳалла даражасида маҳаллий ҳудудда, муайян минтақа доирасида, алоҳида корхона, муассаса, ташкilot доирасида амалга оширадиган чоралар бўлиши мумкин. Таҳлил этилаётган жиноятларнинг олдини олиш чораларининг субъектлари ҳар қандай фуқаролар, тадбиркорлар, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар менежерлари, меҳнат жамоалари, жамоат ташкilotлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ўзи ўзини бошқариш вакиллик ва ижроия органлари, маҳалла посбонлари бўлиши мумкин.

Судларнинг жиноят учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш, Жиноят кодексининг 50-моддаси ва Жиноят-ижроия кодексини 46-, 91- ва бошқа моддаларини солиштириш ҳамда озодликдан маҳрум қилишни манзил колониясида ва жазони ўташ колониясида ўташ тартибини солиштиришдан Жиноят кодекси ва Жиноят-ижроия кодексини либераллаштириш масаласида шундай фикрга келдикки, манзил-колониясини озодликдан маҳрум қилиш тизимидан чиқариб, “Озодликни чеклаш” номи билан Жиноят кодексининг 43-моддаси 1-қисмига, интизомий қисмга жўнатиш жазосидан кейин жойлаштириш ҳамда Жиноят кодекси 50-моддасидан чиқариб, 49¹-модда сифатида мустақил жазо тариқасида қонунда назарда тутилиши таклиф қилинади.

ХУЛОСА

Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятлари учун судларнинг жазо тайинлашнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судини Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2-бандидаги ноаниқликларни, бу банддаги тушунтириш аввало грамматик жиҳатдан таҳрирга муҳтож бўлиб, жазо тайинлашнинг умумий асосларини ифода қилмай, балки мавжуд қонунни қисқача такрорлашдан иборат бўлиб қолган, ҳолос. Шунга кўра ушбу Пленум қарорининг 2-бандини қуйидаги таҳрирда ифода қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Судлар жиноят учун жазо тайинлашда Жиноят кодекси 54-моддасининг талабларига тўла риоя қилган ҳолда жазо тайинлашлари керак.

Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарлаликнинг муқаррарлиги принципи, жиноят учун албатта жазо тайинлаши шарт эканлиги билдирмайди.

Судлар жиноят учун жазо тайинлашда энг аввало жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш асослари бор ёки йўқлигини текшириб кўришлари керак. Бунга асослар бўлмасагина ишдаги ҳолатларига қараб жазо тури ва муддатини танлаб тайинлайдилар. Бунда қилмиш квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазолардан енгилроғини тайинлаш мумкин эмас, деган қатъий фикрга келсаларгина оғирроқ турдаги жазони тайинлайдилар”.

2. Жиноят кодекси 42-моддаси 2-қисмида жазонинг мақсади берилган бўлиб, ундаги норманинг мазмунига кўра, жиноятчи бўлмаган шахслар томонидан янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида жазо қўлланилади, деган маъно келиб чиқмоқда. Шунинг учун ҳам, бундай ноаниқликни бартараф қилиш мақсадида Жиноят кодекси 42-моддаси 2-қисминини қуйидаги таҳрирда берилишини таклиф қиланади: “Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ва маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш ҳамда бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади.

3. Жиноят кодекси 54-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмундаги қўшимча билан тўлдирилиши таклиф қилинади.

“Содир этилган жиноят учун енгилроқ турдаги жазо тайинлаш орқали жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди, деган хулосага келинганда оғирроқ турдаги жазо тайинланади”.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 166-моддаси 1 ва 2 қисмлари санкцияларида энг оғир жазо сифатида беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Жиноят кодекси 15-моддасига кўра, беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган. Натижада талончиликнинг оддий тури ҳам (1-қисми), мураккаб тури ҳам (2-қисми) битта туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритилиб, Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари нормаларини ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жойлаштириш қондаси бузилган. Бундан ташқари талончиликнинг зўрлик ишлатмай содир қилинадиган турини, зўрлик ишлатиб содир этиладиган тури билан ижтимоий хавфлилик даражасини тенглаштириш мантиққа зид ҳисобланади. Шунинг учун ЖК 166-модда 1-қисми санкциясидаги озодликдан маҳрум қилишнинг муддатини уч йилгача, деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. ЖК 167-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 1-қисми, 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар содир этилган тақдирда Жиноят кодекси 66¹-моддаси қондаларига кўра, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўлланилиши мумкин.

Бунда айбдор жабрланувчига етказган зарарни қоплашнинг ўзи билан чекланиб, жиноий жавобгарликдан озод бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, қонунда белгиланган тартибда ишни кўриб чиқиш учун процессуал харажатлар қилинади, маълум миқдорда вақт сарф қилинади. Жиноятчи эса келтирган моддий зарарни қоплаш билан чекланмоқда, яъни бундай ҳолат фукаровий даъводан ҳам енгилроқ ҳисобланиши кўринмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд ярашув институтини қўллар экан, қопланган зарарнинг миқдоридан келиб чиқиб, суд харажатлари сифатида энг кам ойлик иш ҳақининг муайян миқдорига тенг бўлган суммани ишни кўрган суд ҳисобига топшириш мажбуриятини айбдор зиммасига юклатилиши зарур.

6. Тадқиқ қилинган ишларда рецидив ва хавфли рецидив жиноятларни нотўғри квалификация қилиш ҳоллари анчагинани ташкил қилмоқда. Жиноятни квалификациясида хатога йўл қўйиш жиноят учун нотўғри жазо тайинлашга сабаб бўлмоқда. Бундай хатога йўл қўйилишига қонундаги камчилик сабаб бўлмоқда.

Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” бандида ўғрилиқ такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир қилинганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Ўғрилиқни бу банд билан квалификация қилиш учун шахс олдинги ўғрилиқ жиноятлари учун хавфли рецидивист деб топилган бўлиши керак. Аммо судлар ўғрилиқ учун иккинчи марта судланаётган, лекин хали хавфли рецидивист деб ҳисобланмаган шахсни хавфли рецидивист томонидан қилинса – деган норма билан жавобгар қилмоқдалар.

Йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф қилиш учун 169-модданинг 2-қисмига “Шундай жиноят учун олдин судланган шахс томонидан қилинса”, - деган банд киритилиши таклиф қилинади.

7. Жиноят кодекси 166-моддаси 4-қисми “в” банди, 167-моддаси 3-қисми “в” банди, 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 169-моддаси 4-қисми “в” бандида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган, яъни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб бу жиноятни содир қилиш уюшган гуруҳ томонидан қилинганига нисбатан ҳам оғирроқ жиноят ҳисобланган.

Тадқиқот олиб боришда бундай жиноятларни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бирорта ҳукм топилмаганлиги сабабли уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир қилиш қисмни 166-моддаси 4-қисми “в” бандидан 3-қисми “г”-банди; 167-модданинг 3-қисми “в”-бандидан шу модданинг 2-қисмига, 168-модданинг 3-қисми “в”-

бандидан 2-қисмига, 169-модданинг 4-қисми “в” бандидан 3-қисмига ўтказиб, уюшган гуруҳ томонидан содир этишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этишдан ажратиш таклиф қилинади.

8. 169-модда қуйидаги таҳрирда берилиши таклиф қилинади.

169-модда. Ўғрилик.

1-қисм. Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғрилик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага кириб;

г) такроран;

д) шундай жиноят учун олдин судланган шахс томонидан содир этилган бўлса,

- энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3-қисм. Ўғрилик:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) компьютер тизимида рухсатсиз кириб;

в) кўп миқдорда;

г) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,- беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4-қисм. Ўғрилик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса,- саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 169-моддасини ана шундай таҳрирда қабул қилиниши аввало адолат қоидаларига риоя қилган ҳолда жазо тайинлаш имконини берса, иккинчи томондан жиноят қонунини либераллаштириш тамоилларига мувофиқ келади.

9. Манзил – колонияси озодликдан маҳрум қилишнинг жазосини ижро этиш муассасаларининг бир тури сифатида қонунда назарда тутилган бўлсада, мазмуни ва жазони ўташ тартиби жиҳатидан жазони ўташ колониясидан тамоман фарқ қилади. Шунинг ҳисобга олиб, манзил-колониясини Жиноят кодексининг 50-моддасидан чиқариб, “Озодликни чеклаш” номи билан 49-моддада қуйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади:

49¹-модда. Озодликни чеклаш.

Озодликни чеклаш, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизликдан жиноят содир этган ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этишда айбланган шахсга нисбатан тайинланиб, маҳкумни манзил-колониясига жойлаштиришдан иборат.

Озодликни чеклаш ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Агар шахс бир неча жиноятни содир этишда айбланиб, улардан биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, озодликни чеклаш қўлланилмайди.

Озодликни чеклаш вояга етмаганларга, пенсия ёшига етган шахсларга, меҳнатга қобилиятсизларга ҳамда, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

10. Озодликни чеклаш Жиноят кодекси 43-моддасида озодликдан маҳрум қилишдан олдин жойлаштирилиб, мустақил жазо тури сифатида назарда тутилса, Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмининг кўплаб моддалари ҳамда Махсус қисми моддалари санкцияларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилади.

Жиноят кодекси 43-моддасидаги жазо тизимида яна битта озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турининг пайдо бўлиши, аввало жиноят қонунини

либераллаштириш сиёсатига мос келади ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашнинг статистик маълумотларини жиддий қисқаришига олиб келади.

11. Жиноят кодекси 33- ва 59-моддаларини таққослаш бу моддалар бир-бирга тўла мувофиқ келмаслигини кўрсатмоқда. ЖК 33-моддасида бир неча жиноятлар содир қилиш (жиноят мажмуи) тушунчаси берилган бўлса, 59-моддасида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидалари берилган. Бу моддаларнинг бир-бирига тўла мос келмаслиги шундаки, 33-модданинг 1-қисми “Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмиш содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади”, - деб тўғри айтилган. Аммо, бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш тартибини белгиловчи ЖК 59-модда 1-қисмида эса, “шахс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, ...”, - дейилган. ЖК Махсус қисмининг бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда жиноятларнинг реал жами содир бўлган бўлиши ҳам мумкин бўлиб, ушбу муаммони бартараф қилиш мақсадида 59-модданинг 1-қисмини қуйидаги таҳрирда ифода қилиш таклиф қилинади: “Шахс ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, шахс улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, Кодекс 54-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазоларни жами бўйича узил-кесил жазо тайинлайди”.

12. Бир неча жиноятларнинг тушунчаси берилган ЖК 33-моддасининг (жиноятлар мажмуи) номини ҳам “жиноятлар жами” деб номлаш таклиф қилинади. Чунки, жиноятлар мажмуи грамматик маъноси жиноятлар тўплами, деган тушунчани беради. Амалда жиноятлар тўплами бўлмайди, балки ҳар доим жиноятлар жамланади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имамов Р. Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш. Монография. –Андижон, 2009. -155 б.
2. Имамов Р. Жиноят учун жазо тайинлаш тамойиллари. Рисола. –Андижон, АДУ нашриёти, 2007. -34 б.
3. Имамов Р. Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятларининг оддий турлари учун жазо тайинлаш муаммолари. // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. Илмий-назарий нашр. –Тошкент, 2009. -№5. -Б.75-78.
4. Имамов Р. Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятларининг олдини олиш шарт-шароитлари тўғрисида. // Фалсафа ва ҳуқуқ. Илмий-назарий, маънавий-маърифий журнал. –Тошкент, 2009. -№24. -Б.63-65.
5. Имамов Р. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш муаммолари. // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2008. - №19. -Б.60-61.
6. Имамов Р. Жиноят қонунчилигида инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари. Ўқув услубий қўлланма. –Андижон, 2004. 79 б.
7. Имамов Р. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ҳуқуқ органлари ҳамда қонунчиликнинг айрим турлари тўғрисида маълумотлар тўплами. Ўқув услубий қўлланма. –Андижон, 2004. 83 б.
8. Имамов Р. Қонунчиликда инсон омили бош масала // Миллий ғоя-бизнинг ғоя мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари.–Андижон. АДУ, 2006. -Б.51-52.

9. Имамов Р. Жиноят учун жазонинг мутаносиб бўлиш тамойили. // АДУ Илмий хабарнома. –Андижон, 2006. - №1-2. -Б.94-96.
10. Имамов Р. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратилиши тарихи // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган Қонун устуворлиги – ҳаётимизнинг асосий мезони мавзусидаги республика олимлари, ҳуқуқшунослари ва жамоатчилиги илмий-амалий конференцияси. АДУ. –Андижон, 2008. -Б.6-10.
11. Имамов Р. Қонунчиликда экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик // Ботаника, экология, ўсимлик муҳофазаси мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. АДУ. –Андижон, 2007. -Б.247-248.
12. Имамов Р. Суд-ҳуқуқ ислохотларида жазони либераллаштириш масалалари // Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент. ТДЮИ, 2007. -Б.45-50.
13. Имамов Р. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар ва Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари// Замоновий халқаро ҳуқуқнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент: ЖИДУ, 2008. –Б.157-159.
14. Имамов Р. Ҳуқуқий демократик давлатда суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда суд ҳокимиятининг ўрни ва моҳияти // Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожини динамикаси (Академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари). –Тошкент. Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. 2-китоб. -Б.19-23.
15. Имамов Р. Ҳуқуқий демократик давлатда суд ҳокимиятининг ўрни ва олиб борилаётган ислохотлар. // АДУ Илмий хабарнома. –Андижон, 2009. -№2. -Б.48-50
16. Имамов Р. Иқтисодий соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишнинг жиноят-ҳуқуқий муаммолари. // АДУ Илмий хабарнома. –Андижон, 2009. - №3. -Б.45-46.
17. Имамов Р. Қонунчиликда инсон ҳуқуқлари – олий қадрият //Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси коидалари ва қадриятларининг устуворлиги мавзусидаги Республика илмий-амалий семинари материаллари. АДУ. –Андижон, 2009. -Б.19-24.
18. Имамов Р. Тарбиявий жазо ёки зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятларининг олдини олиш чора-тадбирлари // Ж. Адвокат. –Тошкент, 2009. -№5. -Б.23-25.
19. Имамов Р. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш давр талаби // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари мавзусидаги Республика илмий-амалий семинари материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2011. –Б.68-70.

Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Имамов Рустамжоннинг 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи ва криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича “Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: талон-торож, жазо институти, зўрлик ишлатмасдан жиноят содир этиш, либераллаштириш, ярашув, одил судлов, жиноятнинг оддий турлари, жиноятнинг мураккаб турлари, жиноят профилактикаси

Тадқиқот объекти зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш учун жазо тайинлаш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашнинг назарий ва амалиётини ўрганиш асосида Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: мантикий-тизимли, тарихий-ҳуқуқий, киёсий-ҳуқуқий, эмпирик материалларни тавсифлаш, уларни таснифлаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш, статистик таҳлил ва бошқа усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари учун жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жазо тайинлашнинг назарий ва амалий масалаларини комплекс равишда монографик тадқиқ этилди. Диссертацияда зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашни такомиллаштириш бўйича хулосалар берилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан жиноят ҳуқуқи фанидан ўқув машғулотларда, таҳлил этилаётган жиноятлар бўйича судлар томонидан жазо тайинлаш ишларида хатога йўл қўйилишини бартараф қилишда, жиноят қонунчилигининг таҳлил этилаётган мавзу бўйича нормаларини такомиллаштиришда, жазо тайинлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан жиноят қонунчилиги ва одилсудлов фаолиятини такомиллаштиришда, илмий хулосалардан юридик олий ўқув юртлари бакалавр ва магистрлари учун ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми, судлар фаолияти; жиноят ҳуқуқий фанлар бўйича илмий тадқиқотчилик ва юридик ўқув юртларида ўқув-педагогик фаолият; аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш жараёни.

РЕЗЮМЕ

диссертации Имамова Рустамжона на тему: «Назначение наказания за хищение без применения насилия» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право.

Ключевые слова: хищение, наказание, совершение преступления без приминения насилия, либерализация, примирение, правосудие, простые виды преступления, сложные виды преступления, профилактика преступлений.

Объект исследования: уголовно-правовые отношения, связанные с назначением наказания за хищения чужого имущества без приминения насилия.

Цель работы: выработка предложений и рекомендаций по совершенствованию норм Уголовного кодекса на основе изучения теоретико-практических аспектов назначения наказания за совершение хищения без приминения насилия.

Методы исследования: системно-логический, историко-правовой, сравнительно-правовой, анализ, классификация и обобщение эмпирических материалов, статистический анализ и другие методы.

Полученные результаты и их новизна: комплексно-монографически исследованы теоретико-практические вопросы назначения наказания за совершение преступлений за хищения без приминения насилия в условиях либерализации уголовного законодательства. В диссертации выдвинуты предложения и рекомендации по совершенствованию практики назначения наказания для хищения чужого имущества без приминения насилия.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы в учебных занятиях по предмету «Уголовное право», в предупреждении ошибок при назначении судами наказания по делам, связанным с анализируемой проблемой, при совершенствовании норм уголовного законодательства в части исследуемой проблемы, при подготовке постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан по вопросам назначения наказания.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования и научные выводы могут применяться в совершенствовании уголовного законодательства и осуществлении правосудия, а также в подготовке учебных пособий в высших юридических учебных заведениях для бакалавров и магистров.

Область применения: деятельность Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, деятельность судов, научные исследования и образовательный процесс в юридических учебных заведениях по уголовно-правовым предметам, деятельность по повышения правового сознания и правовой культуры населения.

RESUME

Thesis of Imomov Rustam on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in law on speciality 12.00.08 – Criminal law and criminology; criminal-executive law, subject: “Designating punishment for non-violent embezzlement crimes”

Key words: crime, responsibility, punishment institutions, non-violent crimes, liberalization, reconciliation, justice, court government, primitive types of crime, complex types of crime, prophylactic of crimes.

Subjects of research: justice activities, criminal-legal and criminal relations leaking out of designating punishment for non-violent embezzlement crimes.

Purpose of work: working out recommendations and suggestions for further improvement of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan on the basis of investigating the theory and the practice of designating punishment for non-violent embezzlement crimes.

Methods of research: legal-comparative, historical-legal, logical-systematic, clarifying empiric materials, classifying them, reworking out and generalizing, statistical analyzing and other methods.

The results obtained and their novelty: the theory and the practice of designating punishment for non-violent embezzlement crimes during the period of the liberalization of criminal legislation are investigated on monographic level. The dissertation holds back decisions, appropriate recommendations and suggestions on designating punishment for non-violent embezzlement crimes.

Practical value: results of the research may be used in seminars on criminal law, omitting the mistakes of courts whilst giving punishment for crimes being investigated, improving criminal legislation on the subject being researched, working out the Decision of the Plenum of the Supreme court for designating punishment.

Degree of embed and economical affectivity: results of the research may be used in perfection of criminal legislation and justice activities; scientific deductions may be concerned while preparing teaching aids for bachelor’s degree and Master’s degrees of law schools.

Field of application: In activity of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan, court activities; scientific researches on criminal-legal subjects and teaching-pedagogical activity of law schools: increasing legal culture and legal consciousness of the population.